

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

Jild 3, Son 6/S  
**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ S/6 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

#### **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамият.

#### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал:

[https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

*Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли*

САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ  
АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК .....8-17

*Хайдаров Абдулходи Ахмадали ўғли*

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА  
ТОМОРҚАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ..... 18-22

*Назаров Азизбек Ёқубжонович*

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК  
ТАҲЛИЛИ ..... 23-31

*Abdulloyev Jamshed Izzatulloevich*

MARKAZIY OSIYO MAMLUKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA  
KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI ..... 32-36

*Пасилов Баҳодир Абдуллаевич*

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ  
МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.) ..... 37-41

*Ismailov G'afurjon Xasanovich*

TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI"  
MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI ..... 42-46

*Raxmatulloev Murodjon Xikmatulloevich*

BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA  
OID ISLOHOTLAR ..... 47-50

*Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna*

SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY TAHLIL ..... 51-55

*Нафиддинова Хосият Равшановна*

БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР  
МАЪЛУМОТЛАР ..... 56-60

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

*Zhang Hongzhi, Wu Bo*

RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR  
SPREAD ..... 61-66

*Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna*

MINTAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI  
RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 67-72

*Nayimov Shoxruh*

PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A  
COMMERCIAL BANK ..... 73-79

*Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich*  
ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC  
DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE  
DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN ..... 80-88

*Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич*  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР  
МАСАЛАЛАРИ ..... 89-95

*Abdullayeva Zamira Muxtarovna*  
МЕХНАТ ВОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА ОЛИЙ ТА’ЛИМ ХИЗМАТЛАРИ МОДЕЛЛАРИНИ  
МОСЛАСHTIRISH ..... 96-102

*Имомов Холмурод Норқулович, Шарипов Тўлқин Саидахмедович*  
ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ  
ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ ..... 103-114

*Эргашев Ахмаджон Махмуджон ўғли*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА  
БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ..... 115-122

#### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Imotova Nozimaxon Avazxonovna*  
JAMIYAT FAROVONLIGI TUSHUNCHASI VA UNING O’ZIGA XOS IJTIMOY-FALSAFIY  
XUSUSIYATLARI ..... 123-129

*Qodirov Davronbek Hoshimovich*  
ABULQOSIM QUSHAYRIY VA UNING ILMIY FAOLIYATI ..... 130-133

*Jabborova Saodat Sattorovna*  
SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MA’NAVIY SALOHİYATNI YUKSALTIRISHDA QO’SHGAN  
HISSASI ..... 134-142

#### **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Tuxtasinova Mahliyoхon Shavkatjon qizi*  
L.Z.BUDAGOV LUG’ATIDA ESKI O’ZBEKCHA SO’ZLARINING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA  
IZOHLANISHI ..... 143-149

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*  
INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA TA’LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDA EKVIVALENTLIK  
MASALASI ..... 150-154

*Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna*  
UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY  
TA’MINOTI ..... 155-160

*Mirzayeva Yelena Sa’dullaevna*  
O’ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH ..... 161-166

*Alimjanova Shohsanam Azamat qizi*  
INGLIZ TILIDAGI KO’P MA’NOLI IBORALARNI O’ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH

USULLARI .....	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida) .....	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> "MAHBUB UL-QULUB" ASARIDAGI FRAZEMALARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI .....	177-181
<b>12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Зулфикоров Шерзод Хуррамович</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ .....	182-191
<i>Таллибаев Умиджон Шергазиевич</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ. ....	192-199
<b>13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES .....	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESS OF A FOREIGN LANGUAGE .....	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI .....	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI .....	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON- PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS .....	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN .....	237-242
<i>Raxmatova Mexrinovna Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI .....	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI .....	248-254

12.00.00-Юридик фанлар

**Зулфиков Шерзод Хуррамович**  
Узбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети профессори, юридик фанлар доктори,  
[zulfigorov.sherzod@mail.ru](mailto:zulfigorov.sherzod@mail.ru)

**ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР  
ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита ва комиссиялар фаолиятини ташкил этиш, унда депутатларнинг иштироки, депутатларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариши, қўмита ва комиссияларни шакллантириш тартиби, хорижий мамлакатларда қўмита ва комиссиялар фаолияти тажрибасига доир таклиф ва тавсиялар ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий мақом, ҳуқуқ ва мажбурият, қўмита ва комиссиялар, аъзолар, кафолат

---

**Zulfikarov Sherzod**  
Professor of the University of Public Safety, DSc in Law

**ISSUES OF FURTHER IMPROVING THE ACTIVITIES OF DEPUTIES IN COMMITTEES AND  
COMMISSIONS OF THE LEGISLATIVE CHAMBER**

**Abstract.** This article describes the proposals and recommendations on the activities of committees and commissions of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, the participation of deputies, the rights and duties of deputies, the formation of committees and commissions, the experience of committees and commissions in foreign countries

**Keywords:** legal status, rights and obligations, committees and commissions, members, guarantee

---

**Зулфиков Шерзод Хуррамович**  
Профессор Университета общественной безопасности  
Республики Узбекистан, доктор юридических

**ВОПРОСЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДЕПУТАТОВ В  
КОМИТЕТАХ И КОМИССИЯХ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЫ**

**Аннотация.** В данной статье описываются предложения и рекомендации по деятельности комитетов и комиссий Законодательной палаты Олий Мажлиса, участию депутатов, правам и обязанностям депутатов, формированию комитетов и комиссий, опыту работы комитетов и комиссий в зарубежных странах.

**Ключевые слова:** правовой статус, права и обязанности, комитеты и комиссии, члены, гарантия

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N28>



Депутатнинг вакиллик органи фаолиятидаги иштирокининг муҳим шакли, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширадиган доимий қўмиталар ва комиссиялардаги фаолияти ҳисобланади. Қўмиталар ва комиссиялар парламентнинг ташкилий, ёрдамчи, тайёрлов, қонунчилик, назорат органлари бўлиб, унга зарур ёрдам кўрсатишга хизмат қилувчи ички тузилмадир

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўз ваколатларини тизимли ҳамда самарали амалга оширишини, палата қўмиталари ҳамда комиссияларсиз тасаввур қилиш қийин. Халқ вакилларининг асосий фаолияти ҳам бевосита қўмита ва комиссияларда амалга оширилади.

Француз ҳуқуқшуноси П.Локк парламент ишини айсберг билан таққослаганлиги тасодиф эмас, чунки парламентнинг оммавий йиғилишлари фақат унинг кўринадиган, юзаки қисми деб таъкидлайди. Улар парламентдаги кўпчилик ва ҳукумат доимий комиссияларда қабул қилиниши керак бўлган қонунчилик қоидаларини келишиб олгандан сўнг, улар жамоатчилик учун ўйналган нарса сифатида қаралиши керак[1; С.170.].

Юридик фанлар доктори А.Т Карасевнинг эътирофича, мазкур баёнот ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Буни тўртинчи чақириқ Федерал Мажлис Давлат Думаси фаолияти ҳам тасдиқлаши мумкин, бунда кўплаб қонун лойиҳалари бир вақтнинг ўзида учта ўқишда кўриб чиқилиб, Давлат Думасининг ялпи мажлисида жиддий муҳокамасиз қабул қилинади. Россия Федерациясида қўмита ва комиссияларнинг ҳуқуқий ҳолати, биринчи навбатда, Россия Федерацияси Конституцияси билан белгиланади. Россия Федерацияси Конституциясининг 101-моддасида Давлат Думаси ўз депутатлари орасидан қўмиталар ва комиссияларни тузади. Бундан ташқари, қўмиталар таркиби “амалда ҳар доим ҳам эмас”, Давлат Думасининг функциялари ва ваколатларига мослаштирилиши керак[2; С.143.].

Доимий қўмиталар (комиссиялар) нинг ҳуқуқий мавқеи, давлат ҳоқимияти вакиллик органлари депутатларининг ваколатлари ва иштирок этиш шакллари, вакиллик органларининг регламентлари, тегишли Низомлар билан тартибга солинади. Ушбу қўмиталар ва комиссиялар давлат бошқаруви органларининг ажралмас қисмлари бўлиб, улар ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун ушбу органлар ваколатлари даврида тузилади.

Кўпгина мамлакатларнинг умумий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қўмиталар ва комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат дейиш мумкин: иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича бюджет таклифлари ва режаларини шакллантириш; ваколатли органнинг мажлисларида кўриб чиқиш учун қарорлар ишлаб чиқиш; вакиллик органи қарорларининг бажарилишини назорат қилиш; парламент контекстида сўровлар ўтказиш; оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

Таъкидлаш керакки, қўмиталар ва комиссиялар учта асосий функцияни бажаради: тайёргарлик, ташкилий ва назорат. Барча функциялар доимий қўмиталар ва комиссияларни ташкил этиш ва ишлаши учун зарурдир. Уларни амалга оширган ҳолда доимий қўмиталар ва комиссиялар депутатлар ишлайдиган қуйидаги фаолият турларидан фойдаланадилар: а) қўмита (комиссия) мажлисларида қатнашиш; б) доимий комиссия (комиссия) раҳбарларининг вазифаларини бажариш; в) қўмиталар

(комиссиялар) ишчи гуруҳларидаги фаолият; г) вакиллик органи йиғилишида доимий комиссия (комиссия) номидан ҳисобот (қўшма ҳисобот) тузиш[3; С.249].

Ушбу шаклларнинг барчаси индивидуал ёки жамоавий бўлиши мумкин, аммо ҳар ҳолда, ушбу шакллар доирасида депутат муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларни бажаради. Умуман олганда, қуйидаги ҳуқуқларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) қўмита (комиссия) мажлисида муҳокама қилинадиган масалаларни таклиф қилиш; б) муҳокама қилинаётган масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш, ушбу масалалар бўйича шарҳлар, таклифлар бериш; в) кўриб чиқиладиган масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз бериш; г) тегишли идоралар, нодавлат ташкилотлари фаолиятини текширишларни ўтказиш зарурати тўғрисида таклифлар киритиш, ушбу текширишларни ўтказишда ва уларнинг натижаларини қўмита (комиссия) мажлисида муҳокама қилишда қатнашиш; д) вакиллик органи томонидан кўрсатилган, сайланган ёки тасдиқланган номзодларни муҳокама қилишда қатнашиш; е) вакиллик органи томонидан қонун ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилиш учун киритиш ва бошқа таклифларни киритиш.

Ҳуқуқлар билан бир қаторда, қўмита ва комиссияда фаолият юритувчи депутат ҳам тегишил мажбуриятларга эга бўлади. Қўмита ва комиссиялар йиғилишида қатнашиш уларнинг энг асосий мажбуриятларидан ҳисобланади. Мажлисида узрли сабаб билан қатнашишнинг иложи бўлмаса, депутат қўмита ва комиссия раисини хабардор қилиши шарт. Бу тажриба аксар хорижий мамлакатлар парламент тажрибаларида учрайдиган ҳолат ҳисобланади.

Афсуски, амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доимий равишда, узрли сабабларга кўра доимий қўмита (комиссия) йиғилишида бўлмаган депутатларга нисбатан самарали чораларни қўллашни кўзда тутмайди. Қўмита (комиссия) вакили вакиллик органининг йиғилишида муайян депутат доимий қўмита (комиссия) ишини эътиборсиз қолдирганлиги тўғрисида депутатларга хабар бериши мумкин. Аммо бундай чора самарали бўлиши даргумон. Албатта, депутат бу ҳолатда у кейинги сайловда у ёки бошқа сиёсий партия томонидан кўрсатилган депутатликка номзодлар рўйхатига киритилмаслиги мумкинлигини билади[4; С.146].

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига кўра, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда палата томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

2015 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, қонунга тегишли ўзгартириш киритилиб, Қонунчилик палатасида қоида тариқасида ўн битта қўмита тузилиши белгилаб қўйилди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 17-моддасига кўра, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб, палата томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва

қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун Қонунчилик палатасининг ваколатлари муддатига Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Қўмита раиси, раис ўринбосарлари ва қўмита аъзоларини тайинлаш депутатларнинг сиёсий партия ёки гуруҳга мансублиги ҳамда сайловда тўплаган овозлари сонини ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли қарор асосида амалга оширилади. Одатда, Қонунчилик палатаси кўпи билан ўн бир қўмита тузиши мумкин. Қўмита раиси ва унинг ўринбосарлари ҳамда қўмита аъзолари каби раҳбарлик лавозимларига номзодларни таклиф этиш бўйича таклифлар депутатлик бирлашмалари раҳбарлари томонидан ўзаро келишилган ҳолда киритилади.

Мазкур қоидадан келиб чиқиб, баъзи ҳолатларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитаси аъзолари ўз мутахассислиги, фаолият йўналиши билан боғлиқ бўлмаган қўмиталарга аъзо бўлиб қолиш ҳолатлари учрамоқда. Шу мақсадда қўмита таркибини шакллантиришда маълум мезонлар асоси белгиланиб олинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мисол тариқасида, диплом бўйича мутахассислиги, эркин билдирган хоҳиш-иродаси, ишлаган жойи, амалий кўникмаси, ҳаётий тажриба каби ҳолатларга эътибор қаратиш лозим. Бизнингча, тегишли қонунларимизда ҳам мазкур мезонларни мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

АҚШда Конгресс қўйи палатаси доимий қўмиталарга аъзо бўлиш учун қўйидаги тартиб амалда бўлади. Сайловлардан кейин Вакиллар палатаси аъзоси ўзи сайланган фракциялари орқали сиёсий қўмита ўз иш стажини ва Конгрессда фаолият олиб бориш хусусиятини кўрсатган ҳолда ёзма мурожаат қилади. Шу орқали сиёсий қўмита раис ва аъзолар номзодларини доимий қўмиталарга танлаб оладилар. Танланган номзодлар сиёсий партиялар конференцияси(кокус)да маъқуллаш учун юборилади ҳамда палатанинг биринчи йиғилишда тасдиқланади. Доимий қўмиталар ойда камида бир марта ўз мажлисларни ўтказадилар. Қўмиталарнинг навбатдан ташқари мажлислари қўмита раиси ва белгиланган талаблар бўйича ўтказилиши мумкин. Буюк Британияда қўмита депутатлари қонун лойиҳаларини моддама — модда муҳокама қилишда доимий иштирок этиш, тегишли моддалар бўйича ўз таклифларини бериши, қонун лойиҳалари бўйича янги моддаларни қабул қилиш, суриштирув жараёнларида бевосита иштирок этиш, палаталарда маърузалар билан чиқиш каби ҳуқуқлардан фойдаланади[5; С.28, 79].

Машҳур олим В. Вилсон бундан бир аср муқаддам АҚШ Конгрессининг фаолиятини қўйидагича ифодалаш мумкинлигини таъкидлаган эди: “Сессиядаги конгресс – кўрғазмага қўйилган конгресс; қўмиталардаги конгресс – ишчи конгресс”. Парламент қўмиталари ва комиссияларининг роли ҳақидаги бу тушунчалар парламент фаолиятининг асосий моҳиятини ўзида мужассам этган. Таклиф этилаётган қонунчилик ва бошқа масалалар юзасидан парламент аъзолари, партия фракциялари, ҳукумат вакиллари ўртасидаги келишувлар, биринчи навбатда, мазкур қўмиталар доирасида тузилади, бу эса муайян қонун лойиҳалари тақдирига жиддий таъсир кўрсатади. [6; С. 497.].

Э. Х. Халиловнинг таъкидлаб ўтишича, фракция ва блоklar депутатнинг номзодини Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларига кўрсатаётганларида, депутатнинг касбий ва бошқа қизиқишларини, унинг меҳнат ва ҳаётий тажрибасини, шунингдек, эркин билдирган хоҳиш-иродасини ҳисобга олади[7; Б.182.].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, депутатнинг қўмита ёки комиссияга аъзо бўлиши уларнинг муайян қонунчилик соҳасига жалб этилиши ва бу борадаги малакасини оширишни ва шу соҳа бўйича ихтисослашуни тақозо этади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қўмита ва комиссиялар таркибида Қонунчилик палатаси депутатларининг фаолиятини тартибга солувчи алоҳида ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Олий Мажлисда Қонунчилик палатаси регламентига оид қонунлар, унинг фаолиятига оид регламентлар, унинг функцияларини белгиловчи ички қоидалар мавжуд бўлса-да, алоҳида қўмиталар ва комиссиялар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжати мавжуд эмас. Ушбу муаммони ечиш учун “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита ва комиссияларининг фаолияти тўғрисида»ги янги низом ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Замонавий парламентларда қонунлар тўғридан-тўғри қабул қилинмаслиги яхши шаклланган амалиётдир. Бунинг ўрнига, қонун лойиҳалари ҳар доим қўмиталар ва комиссиялар каби ташкилий ва институционал тузилмалар доирасида текширилади. Бинобарин, мазкур қўмита ва комиссиялар Олий Мажлисининг мураккаб ва кўп қиррали фаолиятида муҳим ўрин тутаяди. Қонунчилик палатаси депутатларининг мазкур қўмиталар ва комиссиялар таркибидаги конструктив ҳиссаси уларнинг ваколатлари механизмини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Қўмита ва комиссиялар фаолияти билан боғлиқ бўлган амалдаги қонун ҳужжатларимизда қўмита депутатларининг фаолият шакллари белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мисол тариқасида, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатларнинг қўмиталарда олиб борадиган фаолият шакллари қуйидаги кўринишларда ифодалашимиз мумкин: 1) Қўмиталар мажлисларида иштирок этиши; 2) Маҳаллий кенгашлар доимий комиссиялар фаолиятида иштирок этиши; 3) Жойларда қонунларнинг ижросини назорат қилишдаги иштироки; 4) Қўмита раиси, ўринбосарларининг топшириқларини бажаришдаги мажбурияти; 5) депутатларнинг қўмиталар ҳузуридаги ишчи гуруҳлар фаолиятидаги иштироки; 6) депутатларнинг қўмиталар томонидан ташкил этиладиган сиёсий, ҳуқуқий тадбирлардаги иштироки

Амалдаги қонун ҳужжатларимизда, қонунчилик палатасида ташкил этиладиган қўмиталар аъзоларининг сони аниқ белгилаб қўйилмаган. Бизнингча, қўмиталар аъзолари сони кўрсатилиши қўмиталарни шакллантиришда, уларнинг фаолиятини белгилаб олишда, тенглик принципини таъминлашда ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

Масалан, Россия Федерацияси Давлат Думасида қўмита аъзоларининг сони энг камида 15 ва кўпи билан 35 депутатдан иборат, Япония Вакиллар палатаси қўмитасида 20 тадан 50 тагача, Мексика парламентининг қуйи палатаси қўмитасида 15 депутат, Испанияда ҳар икки палатадан 21 та депутат қўмиталарни ташкил этади[8; Б.44.].

Парламент аъзоларига ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан муайян қарорлар қабул қилинишидан манфаатдор бўлган таъсир гуруҳлари (лоббистлар) ҳам таъсир кўрсатишларини эътиборга олиш лозим. Лоббистлар парламент қўмитаси ёки комиссиясида муайян масалани кўриб чиқиш ва ҳал қилишда парламент аъзоларининг қарашларига таъсир кўрсатишга ҳаракат қилаётган корпорациялар, фирмалар, банклар, касаба уюшмалари ва бошқа ташкилотларнинг

вакиллари дир. Бир қатор мамлакатларда профессионал лоббистлар фаолият кўрсатади, уларнинг фаолияти махсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади (масалан, АҚШда лоббизмни тартибга солиш тўғрисидаги махсус қонун амал қилади). Лоббизм ўзининг АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардаги кўринишида икки асосий жиҳатни: а) монополиялар турли идора ва агентликларининг, авваламбор, қонунчилик органларидаги норасмий фаолиятини; б) қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнига мазкур ташкилотлар томонидан алоҳида монополиялар, корпорациялар ва фирмаларнинг манфаатларида бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатилишини ўз ичига олади[9; С.134.].

Ҳозирги шароитда парламент тизимининг эволюцияси муайян қонунларни қабул қилиш жараёнига маълум доиралар томонидан таъсир кўрсатилиши муаммосини келтириб чиқариши муқаррар эканлигини кўрсатди. Шу боис парламентаризмни ривожлантириш жараёнида бу масалаларни ҳал этиш, тажриба тўплангани сари қонунчилик воситалари орқали уларни ҳал этишга тайёргарлик кўриш, хорижий тажрибалардан хулосалар чиқариш, қонунчилик соҳасида бундай таъсирни тартибга солишнинг ўзига хос механизмини ишлаб чиқиш зарур.

Шу нуқтаи назардан, Буюк Британиянинг тажрибаси диққатга сазовордир. Таъсир гуруҳлари ва лобби ташкилотлари билан яқин алоқада бўлган парламент аъзолари ўртасида "шахсий манфаатлар" масаласи Буюк Британия парламентида муҳим аҳамиятга эга. Парламент регламенти бундай ўзаро муносабатларни тўғридан-тўғри тақиқламайди, балки депутатларга мазкур ташкилотлар номидан ўз мажбуриятлари ва уларнинг хизматлари учун олинган тўловларни ошкор қилиш мажбуриятини юклайди. Парламент аъзоларининг "манфаатларини" Жамоатлар палатасида рўйхатдан ўтказиш учун мажбурий талаб мавжуд. Депутат парламентдаги фаолияти ва уларнинг овоз бериш қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай молиявий манфаатлар тўғрисида маълумотни Жамоатлар палатасига тақдим этиши шарт. [10; С.98-99.].

Қонунчиликка доир масалаларни тайёрлаш учун Қонунчилик палатаси комиссиясида давлат органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари орасидан ишчи гуруҳ тузилади.

Мисол тариқасида, 2022 йил якунлар бўйича бу борада қўмиталар ҳузуридаги ишчи гуруҳ в экспертлар гуруҳининг 1 017 та йиғилиши ўтказилди. Қизғин муҳокамалар асосида ўтган мазкур йиғилишларда қўмиталар томонидан кўриб чиқиляётган қонун лойиҳаларини сифатли ва самарали ишлаб чиқишга, улардаги нормаларнинг халқчил бўлишига, мамлакатимизда олиб бориляётган ислохотлар жараёнига таъсирини янада кучайтиришга аҳамият берилди [11; С.60].

Қўмита ва комиссия мажлисларини ўтказиш тартиби ҳар бир палатанинг регламентида белгиланган. Жумладан, Қонунчилик палатаси Регламентига кўра, қўмита мажлислари ҳар ҳафтанинг жума кунда ўтказилади. Қонунчилик палатаси депутатларининг мазкур қўмита ва комиссиялар таркибига кириши қонун ижодкорлиги жараёнининг муҳим элементи ҳисобланади. Қонун лойиҳалари Қонунчилик палатасига келиб тушгач, тегишли қўмита таркибига депутатларнинг жалб этилиши янада фаоллашади.

Қўмиталарда иштирокчиларнинг гуруҳига қараб мажлислар уч хилда ўтказилиши мумкин. Доимий, кенгайтирилган ҳамда қўшма мажлис кўринишида бўлиб ўтиши мумкин. Масалан, домий қўмита йиғилишларида асосан мазкур қўмита аъзолари иштирок этиб, қўмита раиси ўринбосари, аъзоларни сайлаб олинади, ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, олдларида турган вазифлар ҳамда мақсадларни билиб олишади; кенгайтирилган қўмита йиғилишларида депутатлар, давлат органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари аъзолари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади; қўмиталарнинг қўшма мажлисларида бир нечта қўмита аъзоларининг парламент фаолияти билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни кўриб чиқишда иштирок этади.

Миллий қонунчилигимизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қўмиталар ташкил қилинса, бир қанча хорижий мамлакатларда (Япония, Франция, Италия) бу вазифалар комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Россия Федерацияси баъзи субъектларида битта депутат бир вақтнинг ўзида бир неча қўмита аъзоси бўлиши мумкин экан. Масалан, Челябинск вилоятида битта депутат 2 тагача қўмита аъзоси, Курганск вилоятида 2 та қўмита ва битта комиссия аъзоси бўлиши мумкин[12; С.247].

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш лозимки, кўп ҳолларда депутатлар ўз ваколатлари муддати даврида ўзи сайланган қўмита таркибида доимий фаолият олиб боради. Бироқ, қўплаб давлатлар қонунчилигида депутатнинг бир қўмитадан иккинчи қўмитага ўтишига тўсиқ белгилаб қўйилмаган.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги қонуни 7-моддасига кўра, Қонунчилик палатасида бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси, меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси тузилиши шарт. Қонунчилик палатасида бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

2015 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш киритиш орқали Қонунчилик палатаси қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, ўн биттадан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган. Илгари қоида тариқасида, ўнтадан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йилдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида, Қонунчилик палатасида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича алоҳида қўмита ташкил этиб, унинг аъзолари асосан ҳудудларда фаолият кўрсатса, нур устига нур бўларди, деган масалага алоҳида тўхталиб ўтган эдилар. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари” бўйича алоҳида қўмита ташкил этилди.

Соғлиқни сақлаш, инсонларнинг соғлиғини таъминлаш, бу борадаги тиббий хизматлар сифатини ошириш масалаларига Қуйи палатанинг масъул қилиб белгиланганлиги депутатлик корпусининг фаолиятига янгича муҳим йўналиш олиб кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Конституция қабул қилинганлигининг 26 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузаларида таъкидлаганидек, “Жаҳон тажрибасига назар ташласак, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Болгария, Греция, Латвия, Эстония каби кўплаб мамлакатларнинг парламентларида коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия ва қўмиталар мавжуд. Ана шу илғор хорижий тажрибалар ва Конституциямиз талаблари асосида Олий Мажлис палаталарида Коррупцияга қарши курашиш бўйича қўмиталар ташкил қилишни таклиф этаман. Ушбу қўмиталар барча бўғиндаги давлат идораларида коррупцияга қарши курашни янада кучайтиришга вакиллик органи сифатида муносиб ҳисса қўшиши лозим” [13].

Шу аснода, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари” қўмитаси ташки этилди.

Амалдаги қонунларимизда, Қонунчилик палатаси қўмита раиси ўринбосарларининг ваколатлари белгилаб қўйилмаган. Бизнингча, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисидаги Регламентда қўмита раиси ўринбосарлари ваколатларини ҳам кўрсатиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Негаки, қўмита раиси хориж сафарига кетганда, таътилга чиққанида, турли тадбирларда иштирок этганида, ўзининг ҳаётий масалалар билан тўқнаш келганда, қўмита раиси ўрнини билдирмасдан ўринбосарлари ўз ваколатларини амалга оширишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қолаверса, қўмита раиси ўринбосари ҳам масъул мансабдор шахс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қонунчилик ҳужжатларимизда уларнинг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш лозим

Парламентлардаги қўмиталар сони, номи ва ваколатларини белгилашда уларнинг фаолияти давлат сиёсатининг барча жабҳаларини қамраб олишидан келиб чиқилади. Бундай ёндашув натижасида хорижий давлатлар парламентлари қўмита ва комиссияларининг сони айтарли даражада салмоқли бўлади. Мисол учун, Япониянинг “Парламент тўғрисидаги қонунининг 42-моддасига кўра, Маслаҳатчилар палатасида адлия, ташқи сиёсат, молия, маориф, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий маъмурият, ижтимоий муаммолар, меҳнат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва сув хўжалиги, савдо ва саноат, алоқа, транспорт, қурилиш, шунингдек, бюджет, тафтиш, интизомий ва парламентда ишни ташкил этиш масалалари бўйича комиссиялар тузилади. АҚШ Конгрессида палаталарнинг (солиққа тортиш, иқтисод, Конгресс кутубхонаси, нашрлар бўйича) 4 та умумий ва ҳар бирининг таркибида (Сенатда – 16 та, Вакиллар Палатасида – 22 та) кўплаб қўмиталар тузилган [14; С.456.].

Италия ва Франция каби давлатларнинг парламентларида бошқарувнинг турли жиҳатларини ҳал қилиш учун кўплаб комиссиялар ташкил этилган. Бироқ, комиссияларнинг кўплигига қарамай, улар давлат томонидан тартибга солишни талаб қиладиган барча ижтимоий муаммоларни қамраб олмайди. Бинобарин, ушбу комиссияларнинг номлари уларнинг амалдаги фаолият соҳаларига қараганда кенгроқ соҳаларни қамраб олиши мумкин. Масалан, қурилиш комиссиялари нафақат қурилиш масалалари, балки ердан фойдаланишни режалаштириш, картография, топография ва бошқалар билан ҳам шуғулланади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг энг муҳим тадбирларидан мажлисларига тўхталадиган ўтадиган бўлсак, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг

мажлислари палата мажлислари оралиғида заруратга қараб ўтказилади. Мазкур мажлисда қўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлислари очиқ ҳамда зарурат ёпиқ мажлис ўтказилиши мумкин. Қўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши мумкин.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан яқунда қўмита жами аъзоларининг кўпчилиги овози билан қарорлар қабул қилади. Қонунчилик палатаси қўмиталарининг давлат органларига юборилаётган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши кераклиги белгилаб қўйилган

Юридик фанлар доктори М.Миракуловнинг таъкидлашича, давлат бюджети, давлат дастури ва бошқа йирик режалар лойиҳалари ҳамда уларнинг ижроси бўйича ҳисоботларни парламентнинг фақатгина масъул қўмитасигина эмас, балки барча қўмиталари ўз фаолияти йўналишлари бўйича кўриб чиқишлари, хулосаларини тақдим этишлари парламентнинг ўрни ва таъсирини оширишда муҳим аҳамият касб этади[15; Б.51.].

Дарҳақиқат, давлат бюджети масаласи бевосита барча қўмиталарга бирдайин тегишлидир. Шу мақсадда ҳам ҳар бир қўмита ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб, асосли таклифларни берса, албатта бу ўзининг ижобий самарасини беради.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси қўмиталарнинг тегишли соҳадаги қонунчиликни ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлаган ҳолда чуқур таҳлил қилишга, шу асосда ундаги мавжуд бўшлиқ ва камчиликларни аниқлашга қаратилган фаолияти жонланди. Хусусан, қўмиталар томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг улар томонидан қонунларга риоя этилиши, Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахбороти 191 маротаба эшитилди[16; Б.60].

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш лозимки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган қўмиталар қонун ижодкорлиги жараёнида, парламент назоратини амалга оширишда энг асосий ишчи орган ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қўмиталар фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунчилик ҳужжатларимизни янада такомиллаштиришимиз, улар фаолиятига зарурий ҳуқуқий кафолатлар тизимини яратиб беришимиз лозим.

### Adabiyotlar/Literatūra/References:

1. Қаранг: Кокотов А. Н. Конституционное право России Курс лекций. М. 2006. С. 170.
2. Карасев А.Т. Депутат в системе представительной власти (конституционно-правовое исследование): Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 2009. С.143.
3. Нудненко Л.А Конституционно–правовой статус депутата законодательного органа государственной власти в Российской Федерации. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004.– С.249.



4. Карасев А.Т. Депутат в системе представительной власти (конституционно-правовое исследование): Автореф. дисс. докт. юрид. наук. – Екатеринбург, 2009. С.146.
5. Депутат парламента в зарубежных государствах . - М.: Юрид.лит., 1995. - С.28, 79.
6. Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран: В 4 т. Тома 1-2. Часть общая: Учебник/ Отв. ред. проф. Б.А. Страшун. – 3-е изд. – М., 1999, С. 497.
7. Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.– Б.182.
8. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005.– Б.44.
9. Бу ҳақда қаранг: Любимов А.П. Парламентское право России. – М.: Маркетинг, 2002. – С.134.
10. Қаранг: Парламенты мира. – М.: Интерпракс, 1991. – С.98–99.
11. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz).
12. Нудненко Л.А. Конституционно–правовой статус депутата законодательного органа государственной власти в Российской Федерации. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004.– С.247.
13. [https:// www.prezident.uz](https://www.prezident.uz).
14. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Т. Москва “ Бек”. 1 – 2.- М., 1996, С. 456.
15. Миракулов М. Парламент:унинг роли қандай кучайтирилади? Нуқуқ ва бurch. 2017. - № 7 – Б.51.
16. [https:// www.parliament.gov.uz](https://www.parliament.gov.uz).

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 5/6 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).